


1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

9 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА № 28 (776).

Сотувда эркин нархда. 1994 йил.


КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ АНДРЕЙ КОЗИРЕВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

8 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди.

Ўзаро мулоқот чоғида икки мамлакат ўртаси-

даги иқтисодий, ҳарбий-техник, гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги вазият, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муносабатлар борасида ҳам фикрлашиб олинди.

(ЎзА).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йил муносабати билан йўллаган мактубингиз учун Сиз Жаноби олийларига миннатдорлигини билдираман ва 1994 йилда Сизга ҳам эзгу тилакларимни изҳор этишдан мамнунман.

БЕАТРИКС,
Нидерландия қироличаси.

ЎЗБЕКИСТОН—ЕВРОПА ЭЪТИБОРИДА

Европанинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши кун сайин ортиб бормоқда. Бу ердаги турли мамлакатларнинг бир қанча ташкилоту жамиятлари Марказий Осиё республикалари, шу жумладан, Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таъкид қилиш билан шуғулланади.

Германиянинг Эссен шаҳридаги турк тадқиқотлари маркази ҳам ана шунлардан бири. У 1985 йилда турк олими ва иқтисодчиси, профессор Фарук Шан ташаббуси билан ташкил этилган эди. Шундан буюн марказ Туркия, жумла- ра, шунингдек, совет- СССР ҳудудидagi мустақил турк республикаларининг Европа мамлакатлари билан сиёсий ва иқтисодий муносабатларини

ўрганиш, мазкур алоқаларни кенгайтиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш ўтказмоқда.

Яқинда Ўзбекистоннинг Германиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Солиқ Сафоев марказ раҳбари Фарук Шан билан учрашди. Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, апрель ойининг бошларида Бонда Ўзбекистон Республикасига бағишланган давра суҳбати ўтказишга келишиб олинди.

Турк тадқиқотлари маркази муҳим иқтисодий ва сиёсий мавзуларга бағишланган бундай кенгашларнинг келгусида Ўзбекистонда ҳам ўтказишни мўлжалламоқда.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида

Республикада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини тўбора авж олдириш, шунингдек тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат мулкни жамғармаси негизинда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилсин.

Давлат мулкни жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси таркибига ўтказилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятининг асо-

сий вазифалари ва йўналишлари йўналишлардан иборат қилиб белгилансин:

— кўп тармоқли иқтисодий шакллантиришда ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда ягона сиёсатни ўтказиш, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва республикада хусусий бизнесни ривожлантиришга қўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда устивор йўналишларини белгилансин;

— давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнига ташкилий ҳамда услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш, тегишли раҳбарлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида республика аҳолисининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат мулкни объектларини бошқа мулкчилик шакллари- га айлантиришдан тушган маблағларни иқтисодийдаги таркибий ўзгаришларга оид вазифаларни ҳал қилиш учун сафарбар этиш;

— давлат мулкни объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида хорижий сармояларни жалб этиш, шунингдек улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва шакллари белгилансин;

— сармоя жамғармаларини, консалтинг ва аудиторлик хизматларини, холдингларни, жамғарма биржалари ва кўчмас мулк биржаларини, ўзгача биржаларни ҳамда бошқа бозор тузилмаларини ташкил этиш.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар ва эришлар, идоралар, корхоналар (бирлашмалар), муассасалар ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият ва бошқа

рув органлари томонидан ижро этиш учун мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида бир ҳафта муддат ичида қарор қабул қилиб, қўмитанинг тузилишини ва у ҳақидаги Низомни тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат мулкни жамғармасини ташкил этиш тўғрисида 1992 йил 7 сентябрдаги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» 1992 йил 10 февралдаги Фармонлари ўз кучини йўқотган деб топилинсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 7 февраль.

Дўст кулфатда билинади

Маълумки, шу йил 20 январда «53-Нукус—Тошкент» поезди фалокатга учраган эди. Жабрланган йўловчиларга қозоқ биродарларимиз биринчи бўлиб ёрдамга етиб келишди.

Воқеа тонги соат 4 ларда содир бўлди. Аммо шунинг ўқида ётган овуллардаги, айниқса, Ўзбекистон ва Илчи шаҳарларидаги бундан тезда хабар топишди ва қўмаклашди.

Ўзбекистон ва Илчида «тез тиббий ёрдам» машиналари санокли даираларда ноҳус воқеа рўй берган жойга етиб келди. Кўп ўтмай, бу ерда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Журабеков, Қозғистон соғлиқни сақлаш вазирининг муовини, Чинкент вилояти раҳбарлари ҳозир бўлдилар. Шифокорлар, ўт ўчирувчилар, милиция ва айниқса, граждон муҳофазаси ҳодимларининг савий ҳаракатлари туфайли ўнлаб йўловчиларнинг ҳаётлари сақлаб қолинди. Ўзбекистон тўғрисидаги шифокорларнинг бош шифокори Омонгелди Жобеов, шу сабабдан граждон муҳофазаси хизмати бошлиғи Алим Рўзиев, туман граждон муҳофазаси хизмати бошлиғи Темури Нигматовлар фалокатга учраган ёрдам ёрдаи кўрсатишнинг янги ташкилотларини бўлишди.

Тошкентдан ва Сирдарё вилоятидан шифокорлар етиб келгунча, жароҳатланган кишиларнинг барчаси Ўзбекистон ва Илчидаги касалхоналарга ётқизилди. Жароҳлар зудлик билан ишга киришилди. Ўнлаб мураккаб муолажалар қилинди. Ўзбекистондаги касалхона жароҳлари, тиббий ёрдамчи номузоди Воҳид Тошев, Дўсенбой Амриев, Бозорбой Абдураимов ва бошқа шифокорларнинг беёминат хизматлари боис қўллаб-қувватлаш одамларга қайта ҳаёт бахш этилди. Сир эмас, оддий кунларда қон топиришга ҳар ким ҳам рўйхуш беравермайди. Аммо фалокат содир бўлган куннинг тонгида Ўзбекистондаги касалхона ҳовлиси одамларга қўйиб кетди. Уларни ҳеч ким қон топиришга мажбур қилмаётган йўқ эди. Қозғистон биродарларимиз қардошларга ёрдам кўрсатишнинг ўзларининг исоний бурчалари

деб билишиб, бу ерга келишганди. Шаҳардаги тиббиёт ва педагогика билим юрталари талабаларига ҳамда тумандаги Ленин номидаги давлат ҳўжалигида яшовчи кишиларга минг бора қўлуқ! Улар қон беришга жазм этганларнинг олдинги сафларида бўлишди.

Қозғистон Республикасининг Ўзбекистон шаҳрига фалокат содир бўлганидан бир кун ўтгач бориб. Дам олиш кунини бўлса-да, касалхона жамоаси тўлиқ ишлатган экан. Бу ерда илчида қозоқ ва ўзбек шифокорлари биргаликда фаолият кўрсатишмоқда. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда ҳодисаларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказининг бош директори, профессор Ҳотам Нишонов газетадан ақаллигимизни билгач, «Илтимос, аввало, қозоқ оғайниларимизнинг катта хизматлари хусусида ёнигилар» деди.

Профессор бизни жароҳли бўлишимга бошлади. Дастлаб кирган хонада навроҳон йигитлар етишибди. Уларнинг ҳузурида ўзбек ва қозоқ шифокорларига дуч

келдик. Биродарлар йигитлардан бирига муолажа кўрсатишарди. Суҳбатимиз мухтасар бўлди.

Бафол Солиев (Вухор милоитидан):
— Дастлаб Ўзбекистоннинг бирор касалхонасида ётган деб ўйловдим. Ўзимга келиб, эшитиб билсам, Қозғистонда эканмиз. Ҳаётимиз сақлаб қолганликлари учун қозоқ шифокорларидан умрбод миннатдорлик.

Абдували Воитов (Самарқанд вилоятидан):
— Ҳозир анча яхши бўлиб қолдим. Албатта, қозоқ шифокорларининг беёминат хизматлари туфайли соғлигимга путур етказадиган ҳеч қандай асорат қолмади. Бунинг учун уларга катта раҳмат!

Самарқандлик Мустафол Пулатов деган йигит эса икки оғиз гапни айтди: «Шифокорларнинг муомаласи яхши экан. Уларнинг оғир дақиқалардаги бу ширин сўзлари бир умр қўлогимдан кетмайди».

Яна бир хонада Самарқанд вилоятининг Вулунур туманидан Тошбек Норбеков

деган отахондан ҳол-аҳвол сўрадик. Қариянинг оёқлари озроқ лат ебди.

— Отамиз эрта-илдин туриб кетди, — деди жароҳли бўлими мудир Воҳид Тошев.

— Худога шукур, мана шу қардошларимиз бор экан. Қаровсиз қолмадик. Туну кун бошимизда туршибди...

Бундай миннатдорчилик сўзларини яна қўлаб кичилардан ҳам эшитдик. Қайтар чоғи муолажаларни давом эттириш учун Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятидаги касалхоналарга йўл олаётган беморлар «Тез тиббий ёрдам» машиналарига чиқар эканлар, қозоқ қардошларимизга чексиз ташаккурлар билдираётганликлари га гувоҳ бўлдик. Кимдир «Яхши кунларда учрашайлик» деди. Унга жавабдан «Ойналайин, айтганинг келсин» деди кузатувчилардан бири. Машинамиз Ўзбекистон ортда қолдириб борар экан, кўнглида кенгликларга оқ парк ётган қордек беғуборлик бор эди. Дарвоқе, қор ҳам Ўзбекистон ва Қозғистон ерларига бирдек ёғибди. Опоқ қор тағида икки қардош давлатни бир-бирдан акратиб турадиган бирор аломат ҳам сезилмади.

Ахмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН:

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва ўзА мухбирлари хабар қиладилар

НАВРЎ ТАНТАНАЛАРИ ЧЎПОНОТАДА ЎТАДИ

САМАРҚАНД вилояти ҳокими Наврў байрамга тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ШАҲАРЛАРДА, туман марказларида, корхона ва ташкилотларда 21 март кунин байрам тантаналари уюштирилади. Вилоят марказидаги Наврў шодиёналари эса бу йил биринчи марта Чўпонотадаги 100 та ноблик маданият ва истироҳат боғида ўтади. Байрам арафасида меҳнатнашлар қўчат экиш ойнади, халқ ҳашарлари ва шанбакиларда иштирок этадилар.

ПАЛМА ЁҒИДАН ТОТЛИ ТАОМ

ТОШКЕНТ ёғ-мой комбинатининг хорижий фирмалар билан кенгайиб бораётган ҳамкорлиги яхши самара бераётган. Виринчидан, экспортга ўсқуналар янгиликларга, алмаштиралиб, суръат жаддалашди. Иккинчидан, Малайзиядан келтирилган 3 минг тонна палма ёғидан хилма-хил за- руру маҳсулотлар тайёрлаш иккони туғилди. Учтинчидан, ишчиларнинг ўз маошларидан қўйилган



ДАРОМАД МАНБАИ... ЧИҚИДИ

НАМАНГАН ёғ-экстракт заводи вилоят автокорхоналари ва ўз ишчи-хизматчиларини автомобил шиналари билан таъминлайди.

ИЛГАРИ ташлаб бориладиган чиқиндиларни қайта ишлаш йўли билан олинаётган олеин кислотаси Россия ва Украинанинг шина заводларига сотилиб, ўрнига тайёр маҳсулот олиноқда. Шина тайёрлашда юда асқотадиган бу кислотга талаб катта. Шу орқали келажатда даромадга завод ўз ишчиларини ташийдиган автобус сотиб олди.

«ЎЗТАДБИРКОР» БОЗОР ИҒЛИГА

КНРДИ

ДАВР иқтисодий масалаларни самарали ҳал этишга янгича ёндашшни тақозо этаётган.

ЎЗБЕКИСТОН Молия вазирлиги, жумхурият хусусий ёрдамчи, ҳўжаликлари ёғлари уюшмаси ва «Қишлоқхўжалик саноат банк» «Ўзтадбиркор» акционерлик-тижорат банкининг муассислари бўлдилар. Бу йил жамғарманга тўрт баравар ошириш мўлжалланмоқда. Бу энди иш бошлатган шаҳарлик ва қишлоқлик ишбилармонларни кредит билан таъминлаш, иттиёли кредитлар миқдорини ошириш имконини беради.

ЭНДИ У ИШЧИЛАРНИНГ ЗАВОДИ



ШЕРОБОД А Г И сопол буюмлари заводи акционерлик корхонасига айлантириб, иш жонланган. Маҳсулот сифати ошди. Бу ерда 15 нафар ёш расомлар ишлашади. Ўзбекистон расомлари уюшмаси аъзоси Қудрат Ахоров уларга устозлик қилади. Ёшлар сайқал бераётган «Нилуфар», «Зи-лола», «Соғна» лагандари, «Жайхун», «Ат-Термизий» ва-залари чет эл сайё-лари ўртасида талаш.

СУРАТДА: Қ. А. роров шогирди Қ. Дудова бизди.

ЯНГИЛИКЛАР

ТУМАНЛАР КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯЛАРИ

Кеча Тошкент вилоятидаги Паркент, Пискент ва Юқор Чирчиқ туманлари кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтди. Ташкилий масала кўриб чиқилди.

Паркент тумани ҳокими этиб Туроб Холтоев, Пискент тумани ҳокими этиб Абдумутал Шерматов, Юқор Чирчиқ тумани ҳокими этиб Мирзахал Қалқулов таъинландилар.

Ушбу сессияларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Журабеков нутқ сўзлади.

Ҳар учала сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов иштирок этди.

Б. НОРБОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Иқтисодий чорраҳаларида

РЎНОЛИК

АГРЕГАТ ЗАВОДИ МАЪМУРИЯТИ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАР
САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАХКАМЛАШГА АЛОҲИДА
ҒАМХУРЛИК ҚИЛАЯПТИ.

ҚИШЛОҚ ҳўжалик ма-
шиналари кўргазмасида
намойиш этилган эҳтиёт
қисмлар, ускуналар ора-
сида Тошкент агрегат за-
водида тайёрланганлар
энг сараси бўлиб чиқди.
Афғонистон, Россия, Ук-
раина вакиллари уларга
харидор бўлишди.
Завод директори Эрик
ТЕН билан учрашиб суҳ-
батлашди.

— Корхонамизда юздан
зиёд турда эҳтиёт қис-
млар тайёрланапти, — де-
ди у. — Юзгунан ку-
руқ қолмади, деганлар
деди. Мустахкамлаш билан
маслаҳатлашиб ҳалқ ис-
темоли моллари стол,
стулар, борборлар учун
навои, банка қопқон, бо-
лалар велоспеди, эҳтиёт
қисмларини ҳам ишлаб чи-

қариш йўлга қўйилди.
Ҳаммаси харидориги бўл-
гани учун дўконларда тур-
мапти. Шу йўл билан
ишчи-ўринларини сақлаб
қолди.

Завод қошида ижтимо-
ий маданият-маиший бўлим
бор. Кўп ҳайри ишлар
қилапти. Бўлим бошли-
ғи Ақтам Жалолов билан
корхона поликленикаси-
ни айланди. Йигирмага

яқин хона замонавий тиб-
биёт ускуналари билан
жизҳозланган.
— Ҳозир шифохоналар-
да ётиб даволанишни
ўзи бўлмайди, айниқса,
дори-дармон тақчил бў-
либ турган бир пайтда, —
дейди юрак хасталиклари
шифокори И. Урибоев. —
Шуларни ҳисобга олиб,
бўн ўринли кундузи ста-
ционар очдик. Бемор эр-
талаб келганича, кечу-
рун уйига қайтади. Кун
бўйи дам олиб, даволана-
ди. Ҳозирча дори-дармон
етарли. Харажатлари за-
вод кўтараяпти. Навбатга
ёзилганлар бисёр.

Завод маъмурияти ши-
фокорлар билан ҳамкор-
ликда ишчилар саломат-
лигини мустахкамлаш
дустурини тузишди. Ун-
га кўра, соғломлаштириш
мажмуасида сауна қурил-
ди. Йилнинг қайси фасли
бўлишидан қатъий назар,
танани сувада чинқитириш
тадбирлари ишлаб чиқил-
ди. Ҳозир ишчилар меҳнат
соатлари тулаши билан,
саунага югуришади. Даст-
лабки кунлар узоқ навбат
кутишларига тўғри келар-
ди. Энди ҳаммаси изга
тушди. Хар бири 32 киши-
лик туруш тузилиди. Улар
икки соат ичда сувада
туриш мажбурияти бажар-
ишади. Сузишдан хабари
йўллар учун ўргатувчи-
маслаҳатчи ёлланди.

Спорт зали ҳам қайта
жизҳозланди. Веломашч,
тошқутариш, мушакларни
чинқитириш, оғир энгил
атлетика сингари ўғалб ту-
гараклар тақилди этилди.
Бир пайтлари бир ерга иш-
чиларни мажбурият кел-
тириб бўлмасди. Энди эса
ўзлари ишқибоз. Йигирма-
га яқин туғаракнинг ҳам-

маси одамларнинг ўзи,
опласи учун зарур. Қола-
верса, уларнинг соғлиги-
дан корхона ҳам, давлат
ҳам мафратдор.
Ҳозир илгаридек Қри-
му Кавказга бориб, дам
олишни ўзи бўлмайди.
Тирик жон, ҳоҳлисимиз,
йўқми, маданий ҳордиқ
чиқариш керак-ку. Шулар-
ни ҳисобга олиб маиший
хизмат бўлими ишчилар
учун Ангренда 250 ўринли
ҳордиқ маскани очнига
киришди. Илгариги бола-
лар оромгоҳи бинолари
таъмирланди. Керакли жи-
ҳозлар харид қилинди. Ки-
нохона, биллардхона,
муъжазгина кутубхона,
ошхона ҳам ишлаб бошла-
ди. Фақат ўтган йилнинг
ўзида бу ерда 2800 ишчи
дам олди.

166, 254-боғчаларда за-
вод ишчиларининг болалар
тарбияланади. Яқинда
бу ерда харйри ишта қўл
урилди. Русизабон кўр
болаларига ўзбек тилини
ўргатувчи ўқитувчи ишта
олинди. Насиба опа маш-
гулотларда ўйинчоқ-кў-
ғирчоқлардан кўргазмалар
восита сифатида фойдала-
наётгани яқин натижа бе-
рапти.

Шундай қилинганда
болалар сузалари осонгина
эслаб қолишди — дейди
Насиба Аҳмедова.
Яқинда завод ҳудудида
кўш наватли ошхона қад
кўтарди — 2,5 миң иш-
чи хизмат кўрсатапти.
Ҳатто, баъзи ишчилар
фарзандларининг никоҳ
туғиларини шу ерда ўтка-
зишни маъқул қўришапти.
Маъмурият ишчилар
га ёрдам тариқасида шу
йўлни танлади. Бу кўпчи-
лининг кўнглидаги иш
бўлди, дейишапти ишчи-
хизматчилар.

Исмаиля ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Депутат иш бошида

Унинг ҳузурига келган
ноумид қайтмайди

Хусусийлаштирилган корхоналар ҳақида мамну-
ят билан гапиришга оdatланиб борапмиз. Моддий
бойликлари яратилиши бу усул катта самаралар бе-
райтгани аниқ мудоао. Лекин, давлат ва жамоалар
тасарруфидagi корхона, ишхоналарни Наҳоти, улар
моддий бойликлари яратилишида ташаббусни бой бериб,
таназулуға юз туттишса...

Кичик-кичик жамоа-
ларда иш юритиш ва бош-
қариш ҳаммаша осон ке-
чади. Баъзи йирик кор-
хона-ташкилотлар давлат
ва жамоалар қўлида жам-
ланганини, бу ҳол раҳбар-
лик ва иш юритишда му-
айян қийинчиликлар ту-
ғдиришни ҳам барчамиз
яқин биламиз.

Аммо, давлат тасарру-
фидagi Урганч ёр-мий ком-
бинатда тамомлаша бош-
қариш мазмари. Бу ер-
да бўлган ва жамоа ҳаёти-
га разм солган киши гап
мулкчилик шакллари ёки
ишхонанинг катта кичикли-
гида эмас, балки тадбир-
корлиги-омилкорлигида экан-
лига имон келтиради.

Баъшари махсулот
сифати ва танархиз арзон-
лиги бўйича мусобақа ўт-
казилса, мулкчиликнинг
қайси қўринишида ишлаши-
дан қатъий назар ҳоҳлаган
жамоа билан эркин бахс-
лашга, рақобатлашга
га тайёрмиз, дейди ком-
бинат директори, Ўзбекис-
тон халқ ноиб Тельман
Мусаев.

Тельман аканинг раҳбар-
лик фаолияти депутатлик
бурчи ва вазифалари билан
бевосита боғлиқ. Ак-
сарият саяловчилар унга
ёғ-совун, чорва озукаси-
ни сотувга кўпроқ чиқа-
ришда ёрдам кўрсатишни
сўраб мурожаат қилиша-
ди. Шу боис у махсулот —
асосан ёр-мий ишлаб чи-
қариш миқдорининг мутта-
сил қўлайтириш боришни
раҳбар сифатида ҳам, ноиб
сифатида ҳам зиммалари
энг муҳим вазифа деб са-
найд. Чунки вилоятда
ўсимлик ёғна талаб кат-
талигини яқин билади.

Ўтган икки йил воҳа
пахтачилиги ниҳоятда му-
раккаб ва машаққатли
дариш бовдан кеңиди.
Натижада комбинатга чи-
қариш етказиб бериш ҳажми
сезиларли қамайди. Бироқ,
ишлаб чиқаришга ёғ миқ-
дорини озиқлаш йўли. Бу эса
сўвун ва чорва озукасини
ишлаб чиқариш миқдорини
га ҳам сезиларли таъсир
кўрсатади.

Аслида бу ютуқларни
тигга олмас ва бўларди.
Лекин, у эҳтиёжин қонди-
ришга хизмат қилиш би-
лан бирга бошқа қатор-қи-
тасодий-техникавий муам-
молари ҳал этишга ҳам
йўл очиб берди.

Хуллас, махсулот иш-
лаб чиқаришни қўлайти-
ришдан келган даромад
авваламбор жамоанинг меҳ-
нат ва турмуш шароити
яқинлашга, қолавер-
са қўшимча ва ёрдамчи
корхоналар очиб, фаолият
қўланини кеңайтиришга
кўлдан бермоқда. Тадбир-
корлик ва омиқдорлик ша-
роити билан бутунга ке-
либ, ишчиларнинг ойлик
маоши ўртача 100 миң
сўмга етди. Ёр ва совун
тайёрлашда ишлатилди-
ган қўлгана ишқор ва ки-
слоталар авваллари собиқ
Иттифоқнинг турли рес-
публикаларидан табиб кел-
тирилган бўлса эндиликда
корхонанинг ўзида ишлаб
чиқарилапти. Бу йил эса
совун пиширишнинг энг

ти — женшень аралашма-
си ишлаб чиқарилади. Бу
махсулот ва ноз-не мат-
ларнинг бари корхонанинг
ўз фирми дўкониди соти-
лади. Йирик савдо маска-
нининг қурилиши ҳам
ниҳоятда етмоқда. Қис-
қаси бу ерда директордан
тортиб оддий ишчига
мўмай даромад мабнани
ўсиб бораётган нарх-наво-
лар замиридан эмас, ак-
синча танархиз арзон-
лаштиришдан, ишлаб чи-
қаришни қўлайтиришдан,
қўвватлардан тула фойдала-
нишдан ахтарилади.

Махсулотларимиз нар-
хи асосан хом ашё қийма-
ти билан боғлиқ, — дейди
директор. — Шу боис хо-
рижининг хом ашёсидан
ноилж қолгандагина фой-
даланамиз. Бозор иқтисо-
дийи бизни тежамли-бе-
жого ишлашга ўргатапти.
Ўғалб қарасак ўлка-
мизда пахта чигитидан
ташқари ёғбор, совун ва
озуқабон данаклар, уруғ-
лар, бошоқли ўсимликлар
ҳам оз эмас экан. Ана шу-
лардан хом ашё сифатида
фойдаланиш учун тегишли
раҳбар органлар ва илмий-
тадқиқот муассасаларига
ўз тақлифларимизни баён
этишқимиз.

Бутунги кунда комби-
натда асосий ишлаб чи-
қариш деҳлари ва участка-
ларидан ташқари 10 га
яқин қўшма, кичик ва ёр-
дамчи корхоналар ҳам
фаолият кўрсатмоқда. Ўт-
ган йили яқин махсулот
ишлаб чиқариш ҳажми ав-
валги йилдагидан қарийб
31 фоз ортди. Режадаги-
дан 2400 тонна кўп ўсим-
лик ёғи, 500 тоннадан зи-
ёд совун ишлаб чиқариш-
ди. Соф фойда ҳам махсу-
лот ҳажмига монанд қў-
лайди ва йил давомида
бир миллиард сўмга етди.
Бу комбинат меҳнатқаш-
ларининг иш ва турмуш
шароитларини яқинлаш-
тиришга қўшимча корхоналар очиб,
моддий бойликлари яра-
тилишини иқтисодий манба.
Бу фойда нарх-навои бе-
асос, беандиша охириш
эвзанти эмас, балки мах-
сулот ишлаб чиқариш ҳаж-
мини ошириш ҳисобига
олинди.

Ўтган бир йил мобайни-
да, корхонада ҳайр-саховат
йўлига сарфлаган хара-
жатлар, нақд 30 миллион
сўмни ташқил этди.

Т. Мусаевнинг депутат-
лик фаолияти ҳам диққат-
га сазовор. Унинг ҳузур-
га юмуш билан келган
нинг мушқули осон, оғир
енил қўлмаган ҳоллар йўқ
ҳисоб. Ноибнинг яна бир
фаолияти шуки, барчанинг
айниқса раҳбар ноиблар-
нинг бирдек бор гафрат,
маҳорат билан ишлашини
истайди.

Ниятимиз, ҳар бир
ишчи-хизматчини ҳақиқий
мулкдорга айлантириш, —
дейди у. — Турли сам-таш-
вишларимиз ҳам анчаги-
на... Хорижда ишлаб чи-
қаришдан дастгоҳ ва уску-
наларни оқилона ҳамда
узоқ муддат бевуқон иш-
лата олиш ҳам озик-овқат
санояти учун машина ва
ускуналар ишлаб чиқариш-
ни республикамизнинг
ўзида йўлга қўйиш ҳам
ниҳоятда муҳим масала,
қанақиди, шу орзу-ниятлар-
га тезроқ етишсак.

Абдулла СОВИТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Астафурullo!

Бахтиқаролик

Тун. Атроф жим-жит.
Гоҳи-гоҳида чигирткалар-
нинг — чириллаши, олис-
ликларида қишлоқ итлари-
нинг безовта ҳургани эши-
тилади. Зубайда ташқа-
рига чиқди. Кўндалига ой
ёғдуси тоқ барглари ора-
сида ўтиб, сўрида ух-
лаган Абдурахмон, ўғли
Елужон юзини хира ёри-
тади. Аёл эри томон ни-
гоҳ ташлади-ю, кўндалига
ғазаб алангаси янада авж
олди. Эҳ, бу тақдирлаш-
лар, болалари қаршида
уриб-тепилаш, сочлари-
дан тортиб судраш, қўни-
қўнилари олдига оёқ ос-
ти қилиш... уларнинг че-
гараси борми? Аёл вуку-
дин титроқ эгаллади. Қўл-
лари мушт бўлиб туғилди.
Ишқом ёғочдан бир то-
моний сиртқоқ қилиб бо-
ланган илми олд. Кейин
эрининг олдига борди.
Естиқни бироз кўтарди-да,
уни Абдурахмоннинг бўй-
нидан ўтказди... Эри кўз
очнига улгурмади...

Аёл шомаша-паша ўғли
Елужонни, уйғотиб, бўл-
ган воқеани гапириб бер-
ди. «Бировга айтсанг, ме-
ни қамашади», — деб яли-
ниб-ёлворди.

Эндигина мўйлаби сабза
ураётган йилнинг юз берган
воқеани тушуниб ета ол-
мади. Э-ҳ-ҳуш бошидан у-
ди. Ва бехиётир онаси-
нинг изига бўйсунди. Улар
жасадин ҳовли туғилди
ғўзалоғи гирами остига йх-
шилаб яшариб қўйишди.

Эртасига Зубайда сочла-
рини ёзиб, дод солди.
Эмишқа, Абдурахмонни
тунда 3—4 киши келиб,
олиб кетганлиги. Елужон
гунгун, соқовга айланди.
Нима қилсин, шўрлик,
сирини очса, онаси қамала-
ди...

...Абдурахмон Қирғиз-
боенинг жасади ропла-
росса 32 кун ўтгадан
сўнг топилди. Унга на-
сар марҳумнинг ака-ука-
лари, қариндош-уруғлари
изламаган, қидирмаган
жой қолмади. Улар зул-
мат соч ташлаган хона-
да ҳақида гап бора, бе-
ихтиёр бош чайқаб қўйи-
лар, оилада тинчлик йўқ-
лиги, уруш-жанжал ави-
га чиққанлигини таъкид-
лардилар. Аслида ҳам
шундай эди. Эндигина 32
ёшга қириб, қотилликка
қўл урган Зубайда ҳам,
Абдурахмон ҳам ҳеч қа-
ерда ишламади. Оила
бошлиғи авваллари ичи-
ликка рўжу қўйганди.
Кейинчалик у бу олатини
бас қилса ҳам, арзимagan
нарсаси учун қилдан қийиқ
ахтаришини қўймади...

Избоскан туманидаги
Қаюев қишлоғида юз
берган муҳим воқеа юрак-
ларни ларзага келтирди.
Ўринли савол туғилди.
Унинг содир бўлмаслиги
мумкинми? Аммо дан-
гасалик балоси, оилада-
ги ноахиллик, қолаверса,
гушшдаги оғу қўнғил кўз-
гушнинг чил-чил синади-
ганда...

Т. ТОШТЕМИРОВ,
вилоят прокуратураси
бош терговчиси.
Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Муштарий тақлиф қилади

Олдимиздан оққан
суннинг қадри йўқми?

Буюк давлатнинг электр
энергия манбаи ҳам бой
бўлмоғи керак. Ҳозир кўп-
қабатли гидроэлектростанция-
ларга эга қўшнларимиз
(Тожикистон, Қирғизистон)
электр қувватини бизга жа-
ҳон нарҳларида сота бо-
лашганиларини ҳисобга
олсак, ўзимизда гидроэлек-
тростанциялар янада кў-
пайтириш вазифаси энг
долзарб муаммолардан
бири бўлиб қолмоқда. Қи-
риллажак бундай янги иш-
шоотлар энг арзон бўли-
ши, улар сугориш тармоқ-
ларига ҳалақат бермасли-
ги ва экологик мувозанат-
ни издан чиқармаслиги ло-
зим.

Хўш, бизда шундай им-
кониятлар борми? Бор.
Бунинг қилиш шари билан
айтишнинг сабаби, мен
ўн икки йил давомида
Москвадаги гидромежора-
ция институтига катта ил-
мий ҳодим бўлиб ишла-
ганман. Ўша даврда бутун
Марказий Осиёни яёв ке-
зиб чиқинга, унинг ҳар
бир гидроишотиини ўрга-
ниб, илмий таҳлил қилиш-
га тўғри келганди.

Фикримча, Фарғона во-
дидис битмас-тутанмас
энергия манбаига эга.

1939 йилда Катта Фар-
ғона канални қурилиш бо-
ланганда, унга Куйганёр
қишлоғи ҳудудидagi Қо-
радарбдан сув олиш ре-
жалаштирилганди. Мута-
хассислар бу дарё суви
ҳажмининг сугориш ма-
всуини давомида қамайиши
ҳавфийнинг олдиди олиш
мақсадида Норин дарёси-
дан Қорадарбга ташлама
канал қазиниш амалга
оширилди. Айни чоғда

бу ерда 6 та гидроишот
қурилди.
Мен айтмоқчи бўлган
имконият аниан шу 6 та
гидроишотдир. Зеро, гид-
роэлектростанциялар тур-
биналари катта тезликдаги
(секундига 200 метр куб)
сув оқимининг қўйи қис-
мига жойлаштирилса (яъ-
ни 6 та гидроишот ўр-
нида гидроэлектростанция-
лар қурилса), кўп маблаг
сарфламасдан, энг арзон
ва экологик жиҳатдан тоза
энергия олиш мумкин. Бу
эса суннинг сифатида, су-
гориш тармоқларига ҳа-
лақат бермайди. Аксин-
ча, суннинг ошқича энер-
гияси турбина паракларини
айлантиришга сарф бў-
лади, оби ҳаётнинг канал-
даги тезлиги муътадилла-
шади ва натижада қамал
ўзани у қадар емйрилмай-
ди.

1960—1970 йилларда
Марказий Фарғона қўлла-
рини ўзлаштириш мақсади-
да Марказий Фарғона ка-
нали қурилиши бошлан-
ди. Кейинчалик бу канал
Катта Андижон канали деб
аталди. Тақлиф қилмоқ-
чи бўлган иккинчи имко-
ният мазкур каналга таал-
луқли. Катта Андижон ка-
налига ҳам сувни Норин
дарёсидан олиш лойиҳа-

лаштирилганди. Норин
дарёсидан Қорадарбга то-
мон қазилган ташлама ка-
налининг бошланғичи 6 ки-
лометргача узайтирилди.
Сув оқими 2 баробар кў-
пайтирилиб, секундига 450
метр кубга етказилди.
Ташлама каналнинг 1-гид-
роишоти — «Хаққул-
обод» сув тақсимлагичи-
нинг ўнг ёнида қурилган
гидроишот ёрдамида Кат-
та Андижон каналига сув
етказиб бериш муаммоси
ҳал қилинди.

Хаққуллобдан Чино-
бодгача секундига 200
метр куб тезликда оқаёт-
ган сув энергиясидан фой-
даланмаслигининг ўзи кат-
та гуноҳ. Узунлиги 22 ки-
лометр бўлган ана шу
жойга гидроэлектростан-
циялар тизими жойлашти-
рилса (айтайлик, 10 та) ва
уларнинг турбиналари чу-
қурлаштирилиб ўрнатил-
са, тахминий ҳисоб-китоб-
ларга кўра, уларнинг қу-
вати Тўхтағул гидроэлек-
тростанцияси қуввати би-
лан тенг бўларкан.

Юқориди санаб ўтилган
сув ишшоотлари сугориш
давридагина ишлайди.
Агар гидроэлектростан-
циялар қурилса, бу ишшо-
отлар йил давомида сурун-

кали фаолият кўрсатади.
Хар фаслда ишлатиб бў-
линган сувлар Қорадарбга,
у ердан эса Катта Анди-
жон канал орқали Сир-
дарбга ташланади. Бунинг
ҳеч қандай қўшимча маб-
лаг сарфламасдан амалга
ошириш мумкин.

Биз тақлиф қилаётган
тадбирни амалга ошириш
у қадар қийин эмас. Са-
баби — ўша ҳудудда, би-
ринчидан, аҳоли кам исти-
қомат қилади. Иккинчи-
дан, электростанциялар қу-
рилиши учун зарур бўл-
ган жами ашёларни канал
теварағида жойлашган
бетон, заводлар, турли
қурилиш бўлиналарида
бемалол тайёрлаш мум-
кин. Қисқаси, бу ерда ин-
фраструктуралар етарли
ва бунёд этилажак гидро-
электростанцияларни ўзо-
ғи билан 2 йилда ишта
тушириш мумкин.

Мен айтган ўша жойлар,
аниқроғи, Избоскан ту-
мани ҳудудиди бундан
бир неча йил олдин электр-
станциялар қурила бош-
ланган эди. Лекин кейин-
чалик кимларнингдир
масъулиятсизлиги оқба-
тида у ўз ҳолига ташлаб
қўйилди.

Яна суниям таъкидла-
моқчиманки, ушбу гидро-
электростанциялар тиз-
ми Минбулоқ нефть ко-
нишини тўла қувват билан
ишлаши учун қўлай им-
кониятлар яратди. Чунки
улар бу кондан 20—25
километр масофада жой-
лашган бўлади-да.

Аҳмаджон САЛОМОВ.

• Долзарб мавзу

ИҚТИСОДИЙ БАҚУВВАТ
ДАВЛАТНИНГ ВАЛЮТАСИ ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

Пулниң қашф этилиши инсоният тарихида энг
йирик воқеалардан биридир. Пул шундай бир то-
варки, унинг иштирокисиз иқтисодийнинг ўзини
тасаввур этиб бўлмайди. Хар қандай давлат валю-
таси қувватининг ўзгариши шу мамлакат иқтисо-
дийётидаги мавжуд ҳолат билан чамбарчас боғлиқ, —
уни ойна каби ўзида аёқ эттиради. Бошқача айт-
ганда, иқтисодий бақувват давлатнинг валютаси ҳам
қудратли бўлади. Айни чоғда валютанинг қувватини
оширишга хизмат қилганган яна бир муҳим омил
борки, қўйида ана шу ҳақда фикр юртилади.

Тасаввур этинг: қўлмач
сув, ҳажминдан қатъий на-
зар, ҳаракатсиз ётса, катта
кучга эга бўлмайди. Гарчи
тинч осуда ҳолатда бўлса-
да, оқар дарёнинг қудрати
унга нисбатан мингқатдан
юқори. Шу билан бирга со-
нин дарёга қараганда тоғ
дарёсининг шиддати беқиёс-
лиги ҳам ҳаммага равшан.
Демак, суннинг ҳажми эмас,
балки ҳаракатининг тезлики
даражаси унинг энергия
қувватини белгилловчи бош
омилдир.

Худди шу каби пул бир-
лигининг «тош»ни ҳам
унинг ҳажми белгилламайди.
Тўғри, валютанинг қуввати-
ни белгилловчи энг асосий
омил — шу пул бирлиги
хизмат қилаётган мамлакат
иқтисодийнинг ривожлани-
ши ва пулниң тоғар-моддий
бойликлари билан таъминла-
ниши даражаси ҳисоблана-
ди. Лекин эндигина ҳа-
қиқий ривожланиш на
пулни моддий бойликлари
билан таъминлаш сари юз
тутаётган Ҳамдўстлик дав-
латларининг ҳозирги ҳолати-
да пулниң қуввати унинг
ҳаракат шаклига кўп жи-
ҳатдан боғлиқ. Бош-

Республикамиз Президенти
сўнгги йиллар мобайнида
бу мақсадни амалга оши-
риш йўлида жуда кўп куч-
гайрат сарфлади. Агар Рос-
сия Федерацияси раҳбария-
тининг дили ва тили бир
бўлганда эди, Ҳамдўстлик
давлатларининг аксарияти
аюна рубль минтақасида
қолган ва бу улар учун энг
тўғри ечим бўлган бўлур
эди. Бахтга қарши, Россия
хукуматининг иқтисодлашчи-
лик сиёсати ана шу имкони-
ятни чиппакача чиқарди.

Оқибатда шароит тақоза-
сига кўра, ҳар бир давлат
ўз валютасини қиратишга
мажбур бўлди. Галдаги на-
зифа, юқориди таъкидлаб
ўтилганнинг миллий пул
бирликларининг қувват бў-
лиши ҳаракат қилишдан
иборат. Ўғини қозоқ теңгеси
Қозоғистонда, киргиз соми
Қирғизистонда, туркман манати эса Туркма-
нистон дорисидида товар ва
хизмат моддий бойликлари
ҳаракатидан қувват олмасди,
уларнинг қучини ошириш
йўллари суннинг равишда че-
гараланмасди. Бозор талаб-
ларидан келиб чиқиб, қўшни
давлатлар ўртасида товар
моддий бойликлари эркин
айланганига шароит ярати-
лиши, ҳар бир мамлакат
иқтисодий қудратини оши-

ришга, бинобарин, улардаги
пул бирликлари қувватли
бўлишига бевосита хизмат
қилади.

ТАНИШИНГ: АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ 1994 ЙИЛГИ СОВРИНДОРЛАРИ

Алишер НАВОЙИ

УЛ ОЙ ЎТЛУГ ЮЗИН ОЧСА...

Мени мен истаган ўз сўхбатига аржуманд эмас,
Мени истар кишининг сўхбатини кўнгулм писанд эмас.

Не баҳра топмакмен ондинки, мендин истаган баҳра,
Чу уқим, баҳрам ондин тилармен, баҳраманд эмас.

Натай хуру пари базмимки, қатлим ғ ҳаётимга,
Аён ул захри чашм айлаб, инҳон, бу нўшҳонд эмас.

Керамас ой мла кун шакликим, ҳусну малаҳотдин,
Ичим ул чокчон эмас, таним бу банд-банд эмас.

Керак ўз чобуки қотилваш Мажнуншоримким,
Бузуғ кўнгулмдин ўзга ерда жавлони саманд эмас.

Кўнгул ўз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарришасидин ўзга бўйиунга каманд эмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тўқмидин ўзга ул ўт узра сипанд эмас.

Абдулла ОРИПОВ:

ҲАММАМИЗНИНГ ЯГОНА МАҚСАДИМИЗ ШУ ВАТАНГА, ШУ ХАЛҚҚА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ

— Абдулла ана, ватанимиз маънавий ҳаётида жуда катта ўққа бўлган буюк бобоимиз номидаги мукофот совриндорлари эълон қилингандан сўнг ҳаётига қилинган ниямлар кечди?

— Мукофот эълон қилингандан сўнг биринчи кечини маламларни айтсам, аввало, буюк бобоимиз Алишер Навоий ҳазратлари номидаги совринга менинг ҳам ижодим раво қўрилган катта бахт ва улуг масъулиятдир. Мамлакатимиз Президентининг Фармони билан маъмур мукофотга сазовор бўлганлигимиз, албатта, қувончдир. Дилмидан тагин бир ўй-фикр ўтди. Яъни, баъзи мамлакатларда ҳали мукофот ҳақида ўйлаш ўқда турсин, афсуски бегуноҳларнинг қонлари қанчиласи оқиб турибди. Биздаги тинч, осойишта кунлар учун яратган

га минг шукур.
Кўнгулмидан кечган тагин бир гап: унутилмас Шароф Рашидовни яна бир қарра ёл эганимиз гоит улуг иш бўлди. Сабабларини эса изоҳлаб ўтириш шарт бўлмас керак. Халқимиз ўз тарихида элгу ишларини сира ҳам эслан чинармайди.

Хоҳланг қўйидаги тагинимиз расмий қабул қилинг, хоҳланг норасмий, камтарлик ўз йўлига, мен ҳам ушбу илтифоту ишонч учун чин юрагимдан миннатдорчилик билдираман. Улуг бобоимиз яратган буюк адабий мактабнинг бир талабаси сифатида бундан буён ҳам халқимизнинг юмушларини бажаришда бел боғлаб хизмат қилаверайин, дейман.

Биз жаҳондаги энг қадимий, ҳамда энг юксак бир адабиётнинг ворисларимиз. Тўғри, даҳо ижодкорлар ҳа-

деганда дунёга келавермайдилар. Қўллар бизнинг ўр-тачаҳол адибларимиз ижодидан ҳам ҳеч бўлмаганда алтираган битта чўғ топиши мумкин. Не-не адабиётларда ўша ҳам йўқ. Адабиётимиз, маданиятимиз, гуркираб яшайдиган давр келди. Шу ўринда ёшлардан умидимиз, ишончимиз бениҳоя катта. Иқтидорли ёш ижодкорларимизни ҳам меҳнатига яраша не-не сиёсатлар олтин сан-дикларда қутиб турган бўл-са, ажабмас.

Ҳаммамизнинг ягона мақсади матлабимиз шу ватанга, шу халққа садоқат билан хизмат қилишдир.

Шу дилларда бундан ан-ча йил бурун ватанимиз ҳа-қида ёзган бир шеъримнинг айрим сатрларини эсга ол-моқчиман.



Қизғалдоқ баргидек
учар дилдан ғам,
Тошқинлар қиради
қалбимга маним.
Баҳорнинг муборак
бўлиши ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон
дилбар Ватаним,
Фақат сен қалбимга
қўйишга малол
Чарчаган руҳимга нўшом
солурсан.
Баҳор ҳам, умр ҳам
ўтар эҳтимол,
Фақат сен дунёда мангу
қолурсан.

«Халқ сўзи» мухбири
Абдулло ОРИПОВ
сўхбатлашди.

Бугун буюк
аллома
Алишер
Навоий
таваллудига
553 йил
тўлди




бонизга қўйилган ҳайкал
тўғайли бу ерда ўзига хос
меъморчилик комплексини
вужудга келтирди. Юрт-
нинг энг муборак маврид-
ларида ҳам, оддий кўн-
ларда ҳам бу гўша одамлар
